Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

21 май, чоршанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 109 (1626)

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Учрашувда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.



Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади эркин, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этишдир, деди жумладан Президент. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга қаратилган. Шу маънода халқимиз ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, унинг ислоҳотлар ижрочиси сифатидаги фаоллигини ошириш, эзгу мақсадларимизни қалбдан тушунишига ва қўллаб-қувватлашига эришиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Мулоқот чоғида ҳаётимизнинг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, давлат, жамият ва фуқаро манфаатлари уйғунлигини таъминлаш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, адлия вазири С. Мирсафоев, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази директори А. Саидов, Конституциявий суд раиси Б. Эшонов, Тошкент юридик институти ректори Ҳ. Бобоев ва бошқалар муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Учрашувда республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, Т. Орипов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст, Президент девони Ахборот маркази раҳбари А. Кўчимов иштирок этди.

(ЎзА).
А. ТЎРАЕВ
суратга олган.

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТГАН ДОҒДА ҚОЛАДИ

Республика ғаллазорларида мўл ҳосил етилмоқда. Мутахассисларнинг дастлабки ҳомчўтларига қараганда, ҳозирдаёқ ҳар гектар ердан ўртача 35 центнердан ҳосил олиш мумкин. Эндиги вазифа уни қиска муддатда ўриб-йиғиб олишдан иборат. Бу эса барча даражадаги раҳбарлардан юксак масъулият, ташаббускорлик ва ташкилотчиликни талаб қилади.

20 май куни Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик, ғўза парвариши, шунингдек, ем-хашак тайёрлаш масалаларига бағишланган сим орқали кенгаш бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ва туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалигига алоқадор бошқарув органлари ҳамда жамоа хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Кенгашни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

-- Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар Президентимиз Ислом Каримов белгилаб берган йўналишлар асосида амалга оширилмоқда, -- деди И. Жўрабеков. -- Бу йил агросаноат комплекси учун сезиларли молиявий ёрдам кўрсатилди. Етарлича минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, янги техника ва бошқа ресурслар ажратилди.

Кенгашда пахтачиликдаги бугунги аҳвол атрофлича муҳокама қилинди. Айрим жойларда ғўзага ишлов беришда ўтган йилги камчиликлар такрорланмоқда, талайгина хўжаликларда чигитни қайта экиш, қатқалоқни юмшатиш тугалланмаган. Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг кўпгина туманларида культиваторларнинг атиги 40-50 фоизи ишга жалб этилган, холос. Уруғ юз фоиз униб чиққан хўжаликларда яганалашни жадаллаштириш зарур.

Ўтган йили қатор туманлардаги хусусий фермаларнинг раҳбарлари озуқа тайёрлаш билан етарли шуғулланмадилар. Бу эса чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Жорий йилда ана шу камчиликларга барҳам бериш талаб этилади.

Кенгашда қишлоқ ва сув хўжалиги вазири М. Жуманиёзовнинг ахбороти тингланди. У жорий йилда дон ҳосили мўлжалдагидан саккиз-ўн кун эрта етилаётгани, уни 20-25 иш кунида йиғиштириб олиш зарурлигини айтди. Бунинг учун комбайнлар тезроқ таъмирдан чиқарилиши лозим. Афсуски, айрим туманларда бу иш эндигина 60-70 фоиз уддаланган.

Йиғилишда ғалла ўрими долзарб вазифа экани, бунда асосий ишни механизаторлар ҳал этиши уқтирилди. Хусусан, «Кейс» комбайнлари биринчи навбатда суғориладиган майдонларга олиб чиқилиши керак. Техникадан самарали фойдаланиш, механизаторлар учун зарур маданий-маиший шароитни вужудга келтириш, тиббий хизматни йўлга қўйиш улар меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилидир.

Йиғилишда ғўзага 15 июндан кечиктирмай минерал ўғит бериш юқори ҳосил олишнинг гарови экани алоҳида таъкидланди. Акс ҳолда экин ҳосил тугиш даврида ғовлаб кетиши, ҳосилнинг етилиши чўзилиши мумкин. Кенгашда чорва учун беда, табиий хашак жамғариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳосилдан бўшаган майдонларга озуқабоп экинлар экиш, беданинг биринчи ўримини зудлик билан тугаллаш, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари парваришини кучайтириш борасидаги вазифалар белгиланди.

Кенгашда барча вилоятларнинг ҳокимлари ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик, ғўза парвариши, емхашак тайёрлаш борасидаги ишлар қандай бажарилаётгани ҳақида ахборот бердилар.

Кенгашда Бош вазир ўринбосарлари А. Муҳиддинов, К. Раҳимов, М. Усмонов, Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, Р. Юнусов қатнашди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

УШБУ СОНДА:

2-бет
ОЗОД ЮРТНИНГ ОЛТИН КАМАРИ
УЧИНЧИ МАКОЛА

3-бет
БИР САВОЛГА УЧ ЖАВОБ
ПРОКУРОР ФАҚАТ ҚОРАҒОВЧИМИ?

4-бет
XII ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН
КИНОФЕСТИВАЛНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ
СИРЛИ ЖИЛВАЛАР
ЖАРАНГЛАГАН ОВОЗИ ҚОЛДИ

ЯНГИ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ

Тошкентда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашининг таъсис мажлиси бўлди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ҳукуматга қарашли бўлмаган янги ташкилотнинг таъсисчиси бўлиш истагини билдирган жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, бошқа жамоат ташкилотлари, муассасалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни «Ўзбекистон-Россия» дўстлик жамиятининг президенти Т. Жўраев очди. Янги кенгашнинг мақсад ва вазифалари ҳақида «Ўзбекистон-Хитой» дўстлик жамиятининг президенти Ж. Бўронов маъруза қилди.

Мажлисда сўзга чиққан республика Ёзувчилар уюшмасининг раиси А. Орипов, «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбари Н. Аминов, хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Д. Қобулова, «Олтин мерос» жамғармаси раиси Х. Тўхтабоев, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Ҳ. Жамолов ва бошқалар ҳозирги босқичда республикамизнинг хорижий мамлакатлар, ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотлар билан маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш ғоят муҳимлигини таъкидладилар. Янги ташкилот халқ дипломатиясини ривожлантириш, чет эл мамлакатлари халқлари ва хорижда яшаётган ватандошларимиз билан дўстлик алоқаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Дунё аҳлини Ўзбекистон халқлари тарихи, маданияти, урф-одатлари, унинг илмий ва иқтисодий салоҳияти билан чуқурроқ таништиришга кўмаклашади. БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий масалалар юзасидан кенг алоқалар ўрнатишга имкон яратади.

Мажлисда кенгаш низоми қабул қилинди, унинг раҳбар органлари сайланди. Ж. Бўронов кенгаш раиси этиб сайланди.

Таъсис мажлисида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ТАҲЛИЛ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

20 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлиси бўлди.

Уни мазкур қўмита раисининг ўринбосари П. Қодиров бошқарди.

Мажлисда «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Наманган вилоятида ижро этилиши ҳамда қўмита ишчи гуруҳи ўтказган текширишларнинг таҳлил ва хулосалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар вилоятда мазкур ҳужжатнинг ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилганлиги, хусусан, жой номларини қонун талабларига мувофиқлаштириш, оммавий ахборот воситалари, айниқса, радио ва телевидение орқали давлат тилини тарғиб этишга муҳим аҳамият берилаётганлигини таъкидладилар. Айни вақтда бу борада талайгина камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, таълим рус, тожик, қирғиз ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш бўйича ўқув қўлланмалари етарли эмас. Бу муаммо Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ҳал этилиши зарур. Вилоятдаги айрим корхона ва ташкилотларда иш юритиш ҳамон давлат тилига ўтказилмаган. Бу камчиликларга тезда барҳам берилмоғи лозим.

Йиғилишда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов қатнашди.

(ЎзА).

ВАТАН, ЭРК, БАХТНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Тошкент шаҳар ўқув-тарбия муассасаларида ўтказилган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг якунловчи концерти бўлди.

Баҳор гулларига бурканган ва байрамона безатилган майдонга тўпланган беш мингдан зиёд бола ва меҳмонлар ажойиб тантананинг гувоҳи бўлдилар. Қўшиқ байрами минглаб ўқувчилар ижросида Ўзбекистон Республикаси мадҳиясини ижро этиш билан бошланди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев байрам иштирокчиларини табриклаб, пойтахт мактаблари, ўқув-тарбия муассасаларида ўтказилган кўрик-танлов ғолибларига эсдалик совғаларини топширди. Шуни айтиш жоизки, шаҳар кўрик-танлови оммавий тус олди. Унда 150 дан ортиқ хор жамоаси, созандалар, мақом, ашула ва рақс, вокал-чолғу ансамбллари -- жами 30 мингдан зиёд ёш истеъдод эгалари иштирок этди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда тайёрланган якунловчи концертда болалар мусиқа санъатининг ўзига хос ва бетакрор оҳанглари янгради.

«Ўзбекистон -- Ватаним маним», «Маънавий қадриятлар -- соғлом авлод учун», «Доира зарби», «Қувноқ болалармиз» каби бир неча рамзий қисмлардан иборат концерт дастурида турли куй ва қўшиқлар ижро этилди, жозибали рақслар намойиш қилинди. Байрам тантаналари санъат орқали ёш авлод қалбида Ватан, эрк, бахтни эъзозлаш ва гўзалликка интилиш ҳиссиётларини камол топаётганлигининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Тадбирда республика Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев қатнашди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Навоийда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар жамғармаси шаҳар ҳокимлиги ҳамда вилоятдаги айрим бошқа корхоналар билан ҳамкорликда «Инновацион-технологик ривожланиш ҳамда кичик ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яратиш муаммолари ва истиқболлари» мавзуида республика илмий-амалий конференциясини ўтказди.

Анжуманда соҳа олимлари ва мутахассисларининг ана шу ҳақдаги маърузалари тингланди, ёшларни тадбиркорликка ўргатиш, бу борадаги таълим-тарбия тизимини шакллантириш масалаларига эътибор қаратилди. Анжуман қатнашчилари вилоятдаги йирик саноат корхоналари иш тажрибаси билан танишди.

Анжуманда вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар жамғармаси бошқаруви раиси Х. Абдураимов иштирок этди.

(ЎзА).

ТЕЛЕРАДИО ХОДИМЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Фарғонада Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг кўчма семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда республика вилоятлари телерадиокомпаниялари раислари, Алоқа вазирлиги вакиллари ҳамда Фарғона водийсидаги хусусий ва тижорат телевидение бошлиқлари иштирок этди.

Икки кун давом этган анжуманда «Ўзтелерадиокомпания» фаолиятини яхшилаш ҳамда Андижон, Наманган, Фарғона вилоят телерадиокомпаниялари кўрсатувлари ва эшиттиришларининг сифат ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, вилоят телерадиокомпаниялари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби масалалар хусусида гап борди.

Анжуманда Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминов, «Ўзтелерадиокомпания» раиси вазифасини бажарувчи З. Ҳакимов қатнашди.

«НЕФТЬ ВА ГАЗ -- 97»

Пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да «Нефть ва газ -- 97» номли халқаро кўргазма ҳамда «Ўзбекистоннинг нефт газ салоҳияти» мавзусидаги халқаро конференция очилиши олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мазкур халқаро кўргазма 21 май куни «Ўзэкспомарказ»да очилади. Эртаси куни эса бу ерда халқаро конференция ҳам ўз ишини бошлайди. Ушбу йирик тадбирлар ташкилотчилари «Ўзбекнефтегаз» корпорацияси, республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Буюк Британиянинг «АТЕ» компаниясидир.

«Ўзбекнефтегаз» корпорацияси раисининг ўринбосари Ибрат Зайнутдинов журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берар экан, бугунги кунда Ўзбекистон нефть ва газ соҳасида катта имкониятларга эга эканини таъкидлади. Кўргазма ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад эса мамлакат нефть ва газ салоҳияти ҳамда истиқболлари билан хорижий компанияларни янада яқинроқ таништиришдир.

Республикамизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу халқаро кўргазмада дунёнинг 25 мамлакатидан 74 дан ортиқ йирик компания вакиллари нефть ва газ соҳасига тааллуқли замонавий технология намуналарини намойиш қилади. Шунингдек, «Ўзбекистоннинг нефть ва газ салоҳияти» мавзусида бўлиб ўтадиган халқаро конференцияда эса мазкур соҳани ривожлантириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилади.

(ЎзА).

ХЕВАНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БУНИ СОВҒА ДЕСА БЎЛАДИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Хева шаҳрига бўлган жаҳон жамоатчилигининг эътибори тобора ортиб бормоқда. Ҳадемай бу ерда жуда катта тантаналар бошланиб кетади. 2500 йиллигини нишонлаётган бу муаззам шаҳар минглаб сайёҳу меҳмонларга ўзининг жозибали бағрини очади.

Шу муносабат билан «Хева сополи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бадиий совға буюмларининг намуна туркумини яратди. Юксак дид билан ишланган чинни лаган, ликобча, гулдон ва медальондан иборат бу намуна ҳатто ЮНЕСКОнинг ҳам эътиборини тортди. Совғалар тўпламини бош рассом Р. Раҳмонов бошлиқ мўйқалам соҳиблари кўргазмага тайёрлаган.



А. СОБИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тушунчаси

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси (бундан буён матнда палата деб юритилади) тармоқ хўжалик бирлашмалари таркибига кирмайдиган кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аъзолик шарт бўлган ҳолда шартнома асосида бирлаштирувчи давлатга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотдир.

«Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» номидан фақат ушбу Қонуннинг қоидаларига мувофиқ фойдаланиш мумкин. Бошқа ташкилотлар ўз номларида бу сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

2-модда. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

3-модда. Палатанинг мақсадлари ва вазифалари

Палата Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришга, унинг жаҳон хўжалик тизимига қўшилишига кўмаклашиш, бозор инфраструктурасининг яхлит тизимини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароит яратиш, тадбиркорликнинг барча турларини, Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантириш мақсадида тузилади.

Палата қуйидаги вазифаларни бажаради:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, жамоат ва халқаро ташкилотларда, шу жумладан бошқа мамлакатларда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг манфаатларини ифодалайди;

кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларини рўёбга чиқаришда иштирок этади;

корхоналар ва ташкилотларнинг давлат регистри асосида кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг реестрини юритади;

уч томонлама ҳамкорлик (ёлланма ишчилар иттифоқи, иш берувчилар иттифоқи ва ҳукумат) тизимини вужудга келтиришда, миллий иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ва олиб боришда иштирок этади;

тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишини уюштиради;

тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлайди, тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг фаолият юритиш шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда белгиланган тартибда иштирок этади;

хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этишга кўмаклашади;

молиявий ёрдамга бўлган эҳтиёжни аниқлашда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини, аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва юритишда палата аъзоларига ёрдам беради;

халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларни, Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда фирмаларнинг тақдимотларини уюштиради;

товарлар ва хизматлар экспортини ривожлантиришга кўмаклашади, ташқи бозорда операциялар ўтказишда ва иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги шаклларини ўзлаштиришда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатади.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

4-модда. Палатанинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари

Палата ўз вазифаларини бажаришда давлат органлари билан ҳамкорликни ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари асосида олиб боради.

Давлат органларининг палата фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5-модда. Палаталар тизими

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тизимини туман (шаҳар) палаталари, ҳудудий палаталар ҳамда Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этади.

Туман (шаҳар) палатаси, ҳудудий палата Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос равишда тузилади.

6-модда. Туман (шаҳар) палатаси

Туман (шаҳар) ҳудудида битта туман (шаҳар) палатаси тузилиши мумкин.

Туман (шаҳар) палатаси ушбу тумандаги (шаҳардаги) камида ўн нафар товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорнинг йиғилишида таъсис этилади.

7-модда. Ҳудудий палата

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида, тегишли равишда, битта ҳудудий палата тузилиши мумкин.

Ҳудудий палата туман (шаҳар) палаталарини бирлаштиради ва туман (шаҳар) палаталари вакилларининг конференциясида таъсис этилади.

8-модда. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳудудий палаталарни бирлаштиради.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳудудий палаталар вакилларининг қурултойида таъсис этилади.

9-модда. Палатага аъзолик

Палатага аъзолик хўжалик юритувчи субъект ва палата ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Палатага аъзолик якка тартибда ва (ёки) бирлашган (жамоа) тарзда бўлиши мумкин.

Палата аъзоларини ҳисобга олиш хўжалик юритувчи субъект жойлашган манзил бўйича юритилади.

Палатанинг аъзолари кириш ва аъзолик бадалларини палата уставида белгиланадиган тартибда ва миқдорда тўлайдилар.

Юридик шахсга айланмаган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шаслар учун кириш ва аъзолик бадаллари юридик шахслар учун палата уставида белгиланган бадал миқдорининг кўпи билан эллик фоизигача белгиланиши мумкин.

10-модда. Палатанинг устави

Ҳар бир палатанинг ўз устави бўлади.

Туман (шаҳар) палатасининг устави палата аъзоларининг йиғилишида тасдиқланади.

Ҳудудий палатанинг устави туман (шаҳар) палаталари вакилларининг конференциясида тасдиқланади.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг устави ҳудудий палаталар вакилларининг қурултойида тасдиқланади.

Уставда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

палатанинг номи ва манзили;

палатанинг мақсадлари ва вазифалари;

палата аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари, тартиби;

палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

палата раҳбар органларининг ваколати ва уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколат муддати, уларнинг қарорларни қабул қилиш тартиби;

палата мол-мулки ва маблағларини шакллантириш манбалари ҳамда бу мол-мулк ва маблағлардан фойдаланиш тартиби;

палата уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

палата фаолиятини тўхтатиш тартиби.

Палатанинг уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Туман (шаҳар), ҳудудий палатанинг устави товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг типовой устави асосида ишлаб чиқилади.

11-модда. Давлат рўйхатидан ўтказиш

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ҳудудий ва туман (шаҳар) палаталарини рўйхатдан ўтказиш тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказиш тартиби ва муддатлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Палата қай тартибда ва қайси муддатда рўйхатдан ўтказилган бўлса, уставга киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар ҳам худди шундай тартибда ва муддатда давлат рўйхатидан ўтказилади.

12-модда. Палатанинг бошқарув органлари

Палатанинг бошқарув органлари, уларнинг ваколатлари ҳамда палатанинг тузилиши палатанинг уставида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаб қўйилади.

13-модда. Палатанинг ҳуқуқлари

Палата юридик шахсдир.

Палата қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари учун патент олишда, товар белгиларини ва товарлар мансуб бўлган жой номларини рўйхатдан ўтказишда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасида ва бошқа давлатларда корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар тузиш, ўз ваколатхоналарини очиш, шунингдек, чет эл корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда аралаш палаталар тузиш;

товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг манфаатларига дахлдор қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш;

газеталар, журналлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини нашр этиш;

товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун фондлар таъсис этиш;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

14-модда. Палатанинг мулки

Палата ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулкка, шу жумладан бинолар, иншоотлар, ускуналарга, акцияларга, бошқа қимматли қоғозларга, пулга ва бошқа мол-мулкка, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига эга бўлади.

Палата томонидан ташкил қилинадиган корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар ўзларидаги мавжуд мол-мулкка таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда эгалик қиладилар, улардан фойдаланадилар ва уларни тасарруф этадилар.

Палата маблағларининг манбаи қуйидагилардан иборат: аъзолик ва кириш бадаллари; ўз фаолиятидан келадиган даромадлар; корхоналарнинг ажратмалари; бошқа тушумлар.

Палатанинг маблағлари давлат томонидан олиб қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Палатага аъзолик тўхтатилган тақдирда бадаллар қайтарилмайди.

15-модда. Палатанинг жавобгарлиги

Палата ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Палата ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Палата аъзолари палатанинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар.

16-модда. Палатанинг халқаро алоқалари

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда халқаро алоқалар ўрнатади, битимлар тузади.

Туман (шаҳар), ҳудудий палаталарнинг халқаро алоқаларини Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси мувофиқлаштириб боради.

17-модда. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар назарда тутилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

«ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

ОЗОД ЮРТНИНГ ОЛТИН КАМАРИ

УЧИНЧИ МАҚОЛА

АНДИЖОНЛИКЛАР

Андижонликлар штаби намангланликларникидан 50 метр чамаси нарида жойлашган. Бу ердаги барча ишларга вилоят автойўл бирлашмасининг довондаги махсус гуруҳи бошлиғи Аҳмаджон Жалолов мутасаддилик қиладн. Келишувга кўра, эртаси куни тонгда у киши билан учрашдик.

Очиғи, ётоқхона, ошхона, йиғилиш хоналарини кўриб, тан бердим. Озода, саранжом-сариштa. Ошхона четидаги тандирда эса иссиқ нон ёпилаяпти.

-- Гуруҳимиздаги кўпчилик йигитлар Шаҳрихондан келишган, -- деди Аҳмаджон ака ҳозиргина тандирдан узилган нонни ушатар экан. -- Лекин мана бу новвой йигитимиз -- Булоқбошидан. Исми-шарифи Фозилжон Қаландаров. Бир ойдан бери нон ёпиб, бутун жамоанинг дуосини олаяпти. Қўли гул, пазанда-да.

-- Кунига нечта нон ёпаяпсиз, -- сўраймиз Фозилжондан.

-- 150-200 талан. Эҳтиёжга қараб, баъзан кўпроқ ёпишга ҳам тўғри келади.

-- Бу юмуш бир ўзингизга оғирлик қилмайдими?

-- Яна бир шеригим бор. Ҳозирча қийналаётганимиз йўқ.

-- Ошпазларимиз 4 киши, -- сўзида давом этди Аҳмаджон ака. -- Масаллиқ етарли. Наҳорга мастава, тушлик ва кечки овқат ишчилар буюртмаси асосида тайёрланади. Маблағ эса бирлашма ҳисобидан.

-- Шароит-ку, зўр экан, ишнинг бориши қандай?

-- Мўлжалланганидан бир ой олдинда кетаяпмиз. Бизнинг чекимизга бу йил 15-30 пикетлар оралиғидаги 1,5 чақиримлик масофада тупроқ ишларини бажариш тушган. Жами 850 минг куб метр ҳажмдаги юмушни амалга оширишимиз керак. Бултургисини ҳам ҳисобласак, 1.200 минг куб метрни ташкил этади.

«УАЗ» автомашинасида пастга, асосий иш бораётган майдонга йўл олдик.

Бошқа участкаларда иш асосан соат еттида бошланаркан. Бу ерда эса, ҳали соат олти ярим бўлмаса-да, иш авжида эди.

-- Қурилишга 10 дан ортиқ автомашина, шунча экскаватор, 15 та бульдозер жалб этилган, -- изоҳ берди Аҳмаджон ака. -- 4 та портлатиш-бурғулаш ускуналаримиз ҳам ишлаб турибди. Яна икки соатдан кейин ишни вақтинча тўхтатамиз. 5-6 жойни портлатишга тайёрлаб қўйдик.

Техникалар шовқини кучли эмасми, қаттиқ-қаттиқ гаплашишга тўғри келади. Баъзи сўзларни англамай, қайта-қайта савол бераман.

-- 1 ва 2-порталларни тайёрлаб бўлдик. Ҳадемай йўл ишлари ҳам ниҳоясига етади.

-- Портал деганингиз нимаси?

-- Туннелга кираверишдаги бетон айвон. «Пештоқ» десак, тўғрироқ бўлади, чамамда. Қаранг, худди ўзимизнинг пештоққа ўхшайди-а?

Аҳмаджон ака қўли билан 200 метрлар чамаси нарида иккита бетон туйнукни кўрсатади.

-- Ҳозир у ерда қазиш ишлари олиб борилаяпти. «Резак» довонидаги 3-ва 4-порталларни эса фарғоналиклар ҳозирлашган.

-- Энг илғор механизатор билан таништириб қўйсангиз?

-- Буларнинг ҳаммаси илғор. Аммо ака-ука Зайниддин ва Улуғбек Қозоқовлар ишни жуда қойиллатишаяпти.

Зайниддин 28 ёшда экан. Икки ўғил, бир қизнинг отаси. Турмуш ўртоғи Насибахон тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишларкан. Булоқбоши туманининг Оқтепа қишлоғидан келиб, тоғни талқон қилаётган йигит анчагина гапга чечан чиқиб қолди.

-- Уйга тез-тез бориб турасизми?

-- Ҳар 15 кунда.

-- Болаларни соғинсангиз керак?

-- Жавоҳирбек билан Дурдона анча катта бўлиб қолишган -- мактабда ўқишади. Кенжатойимиз Голибжон эса орадан уч-тўрт кун ўтдими, кўз ўнгимдан кетмай турaвeради.

-- Исми зўр экан-ку...

-- 8 майда туғилган. Ғалаба куни арафасида. Шу боис...

Зайниддин бирпасда бутун оиласи ҳақида ҳикоя қилиб беришга улгурди. Ҳақиқатан ҳам, ҳавас қилса арзигулик хонадонда ўсишган экан, ака-укалар.

-- Отам Камолиддин Қозоқов, бобом Қозоқбой Рустамов номидаги мактабда кимё-биология муаллими бўлиб ишлаган, ҳозир пенсияда. Бобом эса узоқ йиллар мобайнида ҳозир биз яшаб турган «Оқтепа» жамоа хўжалигига раислик қилганлар. Оилада 7 фарзандмиз. Мен каттасиман, укам Улуғбек тўртинчи фарзанд...

-- Тоғда ишлаш яхшими?

-- Нима десам экан... Биласизми, укам иккаламиз, китобий тилда айтсам, озроқ романтиклармиз. Зарбдор жойларда ишлашни ёқтирамиз. Шу боис уч йил Асакадаги автомобиль заводи қурилишида ҳам тер тўкканмиз.

Ҳозир довондан «Тико»ми, «Нексия»ми ўтиб қолса борми, худди қадрдон нарсамни кўргандай, ғалати бўлиб кетаман.

-- Улуғбек қаерда ҳозир?

— Уйда, дам олаяпти.

-- Демак, тоғда ишлаш романтика денг?

-- Ҳа-да, денгиз сатҳидан 2268 метр баландликда ҳар ким ҳам ишлайвермайди, ака!

-- Ҳадеб романтика, романтика деявермай, ойликдан ҳам гапир, хумпар, -- дейди Аҳмаджон ака кулиб.

-- Энди, романтика бор жойда пул ҳам бўлади-да, -- дейди у ҳам бўш келмай. -- Март ойида ака-ука 12 минг сўмдан иш ҳақи олдик. Апреллдагиси 14-15 мингга борса керак. Негаки, бу ой кўпроқ ғайрат қилдик.

Бошқа механизаторлар ҳам 10 минг сўмдан кам маош олишмаётганини айтишди. Иш ҳам шунга яраша, жуда тезкор кетаяпти.

-- Ҳамма гап қурувчиларга яратилган шароит ва иш тўғри ташкил этилганида, -- дейди Аҳмаджон ака. -- Гуруҳимиздаги йигитларга келсак, уларнинг ҳаммаси тоғни урса талқон қиладиганлар тоифасидан. Бу ҳам катта бойлик, суръатни тезлаштиришнинг муҳим омилларидан бири.

Бу ердаги бир ҳолат, айниқса, мени таажжублантирди. Кечки овқатдан кейин кўпчилик андижонликлар «Қўрғони»га юриб қолишади. Суриштирсам, уларда телевизор, видеомагнитафон бор, қурувчиларга ҳар куни янгиянги кинофильмлар намойиш этилар экан.

-- Афсуски, телевизорни кўнгилдагидек кўролмаяпмиз, -- дейишди ишчилар.

-- Нега?

-- Махсус антенна ўрнатилмаса, оддийсининг кучи етмаяпти.

-- Бошқа муаммолар йўқми?

-- Йўқ десак ҳам бўлаверади. Лекин, очиғи, тиббий хизмат ночорроқ. «Тез ёрдам» машинаси ва бир нафар фельдшер навбатчиликда туради. Унинг ўрнида олий маълумотли врач, айтайлик, терапевт бўлса, маъқул эди. Чунки участкамизда 400-500 одам ишлаяпти. Иссиқ жон, ахир. Энг яқин шифохона эса 40 чақирим нарида. Тоғ шароитида шунча жойга «Тез ёрдам»да етиб боришнинг ўзи бўлмайди.

Шу паллада қоя ёнига Аҳмаджон аканинг ҳайдовчиси ҳовлиқиб етиб келди.

-- Портлатувчилар ишни тўхтатинглар, дейишаяпти.

Ҳамма иш жойига шошилди. Аҳмаджон ака билан бирга айланма йўлдан тепага чиқиб, пастдаги манзарани кузатдик. Орадан ярим соатлар ўтар-ўтмас, 1,5 чақиримлик участкада бирорта техника ҳам, одам ҳам қолмади. Беш жойда эса қулоқни қоматга келтирувчи қаттиқ портлаш рўй берди. Худди шуни кутиб тургандай, қўкда ялт-юлт этиб чақмоқ чақнади. Дастлаб майдалаб, бироздан кейин эса кучли ёмғир ёға бошлади.

-- Буюртма берувдинглармми? -- дейман Аҳмаджон акага ҳазиллашиб. **-- Чанг босиладиган бўлди-да...**

-- Чанг босилгани яхшику-я, аммо иш сурилиб кетади-да.

-- Режада белгиланган муддатдан бир ой олдиндамиз, деяпсиз-ку...

-- Аслида бу ерда ишимиз оз қолди. Тугатсак, «Андижон-Ўш-Қашқар» йўлига ўтамиз.

-- Ҳарна уйга яқинлашамиз, дейсиз-да.

-- Бу томони ҳам борку-я, лекин маррага етай деганда, сира тўхтагинг келмас экан.

Ҳа, андижонликлар бугунэрта довондаги ишларини ниҳоясига етказадилар. Уларнинг ғайрат-шижоати шундан далолат беради.

Мен эса улар билан хайрлашиб, фарғоналик бунёдкорлар ҳузурига йўл олдим. Бу ҳақда кейинроқ ҳикоя қиламиз.

Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.





Бу йил Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳрининг бунёд этилганига 25 йил тўлади. Шаҳар қурилиши мамлакатимиздаги энг йирик энергетика марказларидан бири -- Сирдарё ГРЭСи қурилиши билан бевосита боғлиқдир. Айни пайтда сирдарёлик нурчилар фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимизнинг катта бир ҳудуди ёруғлик манбаи билан таъминланмоқда.

СУРАТДА: электрпайвандловчилар Улуғбек Бобохонов ва Саидкарим Қосимов нурхонанинг янги иншоати қурилишида.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) тасвирга туширган.

ШОФИРКОННИНГ СЕҲРГАР ҚИЗЛАРИ

Бор-йўғи етти хил рангни биламиз. Табиат чизган мукаммал асар — камалакда ҳам етти тур бўёқ бор. Саккизинчисини топган файласуф бўлсин, эй, йўқ, бу тасаввурга сиғиши маҳол ҳол. Бошқа ранглар шу еттовига нисбат билан айтилади.

Қизиқ бўлди: Бухорои Шарифнинг Шофиркон туманидаги Навоий жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи юзга яқин опа-сингилларимиз миллий санъатимизнинг яна бир қиррасини жаҳон аҳлини ҳайратга солар даражада намоён этдилар. Бу нима экан, деб билишга ошиқаётганингиз табиий. Эшитинг, қишлоқнинг оддий қизлари туман ҳунармандлар уюшмаси раисаси Зуҳрахон Облобердиева атрофида бирлашдилар. Каштадўзлик мактаби ташкил топди. Қишлоқ аёлларининг айримлари учун ҳатто ўз хонадонларида ушбу соҳа билан шуғулланишга шароит яратилди. Йўқ, бу кашталар шунчаки нақшлар ва гуллар тасвирининг ипакда кўринишн эмас... Йўқса уларнинг ҳар бири нақд минг долларлдан чет элга сотилмасди. Инсон фарзанди иқтидори маҳсулини кўрингки, ҳақиқий санъат барибир кўнгилларни сеҳрлаб қўяди.

Шофирконлик опа-сингиллар ҳарир матога майин ипак орқали жон киритаяпти. Улар тайёрлаган жойнамоз ва сўзаналар гули чиндан ҳам «тирик»ка ўхшайди, гўё кимдир турли-туман гулларни шундоқ териб қўйгандай. Айниқса, каштачиларнинг айримлари Ҳиндистонга бориб табиий рангларда ипакни бўяш сирларини ўрганиб келишгандан сўнг ишлар чинакамига юришиб кетди. Сўзаначиликнинг яна бир оғир шарти бор. Гулу нақшлар нафақат чиройли ва гўзал кўриниши, балки 38 хил рангда товланиши шарт. Бу хазил гап эмас. Шундагина дунё санъатини ўзига қаратади ва умумбашарий мулк тимсолини олади. Шофиркон сўзаналари шу жиҳатдан ҳам эъзозли.

Масаланинг чуқур аҳамияти бор. Президентимиз биринчи чақириқ Олий Мажлис саккизинчи сессиясида чекка қишлоқларда яшаётган қизларимиз фаолияти ва келажаги ҳақида қайғуриб гапирдилар. Бизнингча, вилоятнинг барча туманларида шу каби ишлар кенг қўлланса, ёмон бўлмасди. Чунки ҳар жойнинг ўз муҳити, имкони ва шароити мавжуд. Бунинг учун изланиш ва ҳаракат зарур.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ЯНГИ ҲАРБИЙ ДАСТУР

ТОКИО. Японияннинг «Майнити дейли Ньюс» газетаси хабарига кўра, Пентагон маъмурияти Япония ҳукуматига янги ҳарбий дастур таклиф этди. Дастур Японияга нисбатан Хитой, Россия ва КХДР томонидан қўлланиши мумкин бўлган ракета ҳужумларининг олдини олишга мўлжалланган. Унда Американинг «Пэтриот» ракеталарини «Айғоқчи» суньий йўлдошлар орқали бошқариб, қуруқлик, денгиз ва ҳаводан душман ракеталарига зарба бериш режалари кўрсатилган.

МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ФИКРИЧА...

ВАШИНГТОН. АҚШ қуролли кучлари бир пайтнинг ўзида икки минтақадаги ҳарбий можароларда иштирок этиш кучини сақлаб қолиши лозим, деди мудофаа вазири Уильям Коэн Си-би-эс телекомпаниясига берган интервьюсида.

У, Коэннинг фикрича, АҚШ ўз хавфсизлиги йўлида армияни энг замонавий қуроллар билан таъминлаб бориши, қуролли кучларда ислоҳотлар ўтказиши лозим. Шунингдек, у бугунги кун талабига жавоб бера олмайдиган айрим ҳарбий базаларни ёпиш керак, деди.

(ЎзА).

БИР САВОЛГА УЧ ЖАВОБ

ПРОКУРОР ФАҚАТ ҚОРАЛОВЧИМИ?



Кейинги йилларда Олий Мажлис томонидан ҳаётимизнинг турли соҳаларига оид икки юздан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Уларнинг ижросини таъминлаш муҳим ва долзарб вазифадир.Бу эса ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан бир қаторда кенг жамоатчиликдан алоҳида масъулият талаб қилади. Негаки, қонун устуворлигидан давлат ҳам, шахс ҳам баб-баравар манфаатдор. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан кафолатли ҳимоялаш, ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ишларни тўла мувофиқлаштириш учун кенг йўл очаяпти.

Булар биз сўз юритаётган масаланинг бир жиҳати, холос. Унинг иккинчи жиҳати бевосита прокурор назоратига бориб тақалади. Сабаби, қонун ижросини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий адолатни тиклаш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Ҳуқуқий-демократик жамиятда бирон бир фуқарони суд ҳукмисиз айблашга ёки жазолашга йўл қўйилмайди. Қонун адолат тарозусидир. Прокурор суд жараёнида иштирок этаркан, давлат ва халқ номидан иш кўради, содир этилган жиноятга ҳам айни қонун талабларидан келиб чиқиб баҳо беради ва унга ўз муносабатини билдиради. Ҳал қилувчи фикрни айтиш -- суд зиммасида. Шу ўринда савол туғилади: хўш, прокурор фақат қораловчими? У суддаги фаолияти давомида кимнинг манфаатини кўпроқ ҳимоя қилади -- давлат манфаатинимми ёки шахс манфаатинимми?

Ушбу саволларга ойдинлик киритиш мақсадида соҳа мутахассисларидан бир гуруҳига сўз беришни лозим топдик.

ЮРАК УРИБ ТУРАРКАН...

У.ИНОМЖОНОВ,
Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси:

-- «Инсон эрки бўғилган жойда маънавий қиёфа ҳам бўлмайди», деган экан бир донишманд. Буни турлича талқин қилиш мумкин. Аммо хулоса битта: шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари жамиятнинг энг катта бойлигидир. Ҳуқуқ-тартибот органлари ана шу бойликни асраб-авайлашга, ҳаётимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга даъват этилганини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Очиғини айтганда, ўтиш жараёнида юзага келган иқтисодий қийинчиликлар баъзи юртдошларимизни эсанкиратиб қўйди. Улар шахсий манфаат йўлида қонунни четлаб ўтиб, қинғир ишларга ва ҳатто, жиноятга қўл уришдан ҳам тойишмаяпти. Демак, биз прокуратура ходимлари ўз бурчимизни зарур даражада адо этолмаяпмиз. Нима қилмоқ керак? Бирдан-бир йўл жойларда қонунларнинг тўла ва бекаму кўст ишлашига эришиш, прокурор назоратини кучайтиришдан иборат. Кўзланган мақсадларга эришиш учун фуқароларда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш лозим.

Ўзбекистон Конституциясининг 118-моддасида қонун ижросини таъминлаш борасида прокуратура ходимларига катта ҳуқуқ ҳамда ваколатлар кўзда тутилган. Бу қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, давр талаблари даражасида иш юритиш учун бизга катта имконият беради. Зеро прокуратура муассасаларининг амалий фаолияти омма билан, кундалик ҳаёт воқеалари билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги туб ўзгаришлар жараёнида ҳар ким ўз ўрни ва лаёқатини билиши лозим. Қўлидан келмайдими, марҳамат, жойни бўшатиб қўйсин. Бундай дейишимнинг боиси бор. Кейинги йилларда вилоятимиз прокуратура тизимлари ишчан, малакали кадрлар билан таъминланди. Натижада қонунчилик мустаҳкамланиб, фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, шахсий ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш юзасидан эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Фикримнинг тасдиғи учун бир-иккита мисол келтирмоқчиман. «Тошвилоятйўловчитранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбариятининг ноқонуний буйруғига асосан 7 нафар ходим кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганлиги аниқланди. Прокуратура аралашувидан сўнг уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Янгийўл туманидаги 137 та деҳқон (фермер) хўжалигига ердан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатловчи давлат далолатномасини бериш асоссиз равишда чўзиб келинган. Бу масала юзасидан туман ҳокимига тақдимнома киритилди ва натижада адолат қарор топди. Кўринадики, жойларда сўз ва иш бирлигига тўла амал қилинмаётир. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун тақдимнома, протест, амрнома, огоҳнома каби прокурор таъсир чоралари кенг қўлланилмоқда. Бундан мақсад эҳтимол тутилган қонунбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этишдан иборат.

Прокурор -- қонун таянчи. Менимча, унга бошқа сифат бериш ножоиз. Юқорида сўз юритган ҳамкасбларимнинг фикр-мулоҳазалари билан таниша туриб, бир нарсага ажабландим: шу ҳақда баҳс-мунозара юритиш шартмикан? Прокурор ўз номи билан прокурор. У ҳамма вақт ва ҳамма жойда зиммасига юклатилган ваколатни амалга оширади. Ҳаётимизни жиноятчи унсурлардан халос этиш учун профилактика ва тарғибот ишлари қанчалик муҳим бўлса, қаттиққўллик ва муросасизлик шунчалик зарур. Адолат туғини кўтарган прокурор ҳеч қачон адолатсизликка йўл қўймайди. Энг асосийси -- шу. У биринчи навбатда қонун манфаатларини ҳимоя қилади. Қонун эса жамиятнинг виждони, уриб турган юрагидир.

«Халқ сўзи» мухбири
Носир ТОШЕВ
ёзиб олди.

ЙЎҚ, ФАҚАТ ҚОРАЛОВЧИ ЭМАС

Б. ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жиноят-судлов ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси:

-- Мустақиллик шарофати билан ҳуқуқ-тартибот муассасалари фаолиятида ҳам туб сифат ўзгаришлари кўзга ташланаяпти. Улар қонун ижроси ва муҳофазасини таъминлаш йўлида қатъият билан иш олиб бораяптилар. Аммо ҳали бу етарли эмас. Жамият, халқ олдидаги юксак масъулият ҳамма жойда ва ҳамма вақт тўла ҳис этилаяпти, деб бўлмайди. Мамлакатимизни ижтимоий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун қабул қилинаётган қонунлар аниқ, бекаму кўст ишлаши лозим. Прокуратура органлари ўз олдига қўйилган бу вазифани қандай уддалаяпти?

Ўзбекистон Конституцияси ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилганидек, прокуратура органлари барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳокимликлар, шунингдек, кимга бўйсунишидан, мулк шаклидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан қатъий назар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг тўлиқ ижроси устидан назоратни амалга оширадилар. Прокурор зиммасидаги асосий бурч ва талаблар ана шу мезондан келиб чиқади.

Баъзилар ўйлаганидек, унинг вазифаси жиноятни аниқлаш-у, жиноятчини жазога тортишдангина иборат эмас. Тўғри, судлов жараёнида прокурор «давлат айбловчиси», халқ ибораси билан айтганда, «қораловчи» сифатида иш кўради. Лекин буни бир ёқлама тушунмаслик лозим. Прокурорнинг ваколат доираси қонунчиликни мустаҳкамлаш, давлат ва халқ манфаатлари дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш каби кўпдан-кўп масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Яширишнинг ҳожати йўқ: собиқ шўро тузуми даврида прокуратура идоралари оммадан бир қадар узилиб қолди, улар фаолиятида махфийликка зўр берилди. Бу баъзи фуқароларда прокуратура муассасалари ҳақида бир ёқлама тасаввурнинг шаклланишига сабаб бўлганлиги сир эмас. Эндиликда вазият бошқача. Давр барча соҳада янгича ёндашувларни тақозо этаяпти. Республика прокуратураси органлари ҳам иш юритишнинг эски усул ва шаклларидан воз кечиб, ўз фаолиятида ошкораликка, очиқ эшиклар сиёсатига қатъий амал қилмоқда. Натижада омма билан алоқа мустаҳкамланаяпти. Бу эса ўз навбатида қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлашда сезиларли аҳамият касб этаётир.

Энг муҳими, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ёрдам беришни сўраб, прокуратура идораларига бемалол мурожаат этадиган бўлдилар. Фақат шугина эмас. Прокуратура фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири саналган умумий назорат тартибидаги текширишлар қўлами кенгайтирилиб, халқ хўжалиги соҳасида йўл қўйилаётган кўплаб қонунбузарликларга чек қўйилмоқда. Битта мисол келтирмоқчиман. 1996 йилнинг биринчи ярмида ўтказилган текширишлар натижасида 500 дан ортиқ кам таъминланган оиланинг қонуний маблағи ундириб берилди. Бу ана шунча хонадонда қонун устуворлигию адолат барқарорлигига ишонч мустаҳкамланди, демакдир.

Яна бир гап. Шу йил 1 мартдан кучга кирган янги фуқаролик кодекси республикамизда қонунчиликни мустаҳкамлаш сари дадил қадам ташланаётганидан далолат беради. Уни том маънода «фуқаролик қонуни» дейиш мумкин. Зеро, янги ҳужжатда замондошларимизнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлатўкис ўз ифодасини топгандир.

Ҳозирги ўтиш босқичида прокуратура органлари зиммасига юклатилган масъулият ғоят катта ва масъулиятли. Мамлакатимизда ислоҳотлар чуқурлашиб бораётган айни пайтда улардан давр билан ҳамоҳанг иш юритиш тақозо этилади. Бу, аввало, жойлардаги прокурорларнинг куч-ғайрати, ташкилотчилиги ва касб маҳоратига боғлиқ. Зотан, прокурор фақат жазо берувчи эмас, балки барча фуқаролар, жумладан, судланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини давлат номидан ҳимоя қилувчи ваколатли шахсдир.

ҚОНУН -- АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

Ш. ШОРАҲМЕТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор:

-- Прокуратура идораларининг мақсад ҳамда вазифалари қонун устуворлигини қарор топтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга йўналтирилгандир. Бу хусусият фуқароларнинг Конституцияда белгиланган иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек мустақил республикамиз манфаатларини, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишда яққол намоён бўлмоқда. Прокуратура тизимининг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа муассасалардан фарқи ҳам шунда.

Республика Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар қабул қилинган қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш, судлов-жиноят ишларини кўришда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, шунингдек, хўжалик низоларини ҳал этишда бевосита қатнашиш, суд маҳкамасининг қонунларга зид бўлган ҳукми, ҳал қилув қарорлари, ажримларига протест келтириш ҳамда «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда белгиланган бошқа ваколатларга эгадирлар.

Шуни таъкидлаш керакки, суд жараёнида прокурор ўзининг қонуний ўрнига эга. У содир этилган жиноятда шахснинг қанчалик айби бор ёки йўқлигини аниқлар экан, тегишли далилларга таянган ҳолда иш тутади. Бу эса ҳал қилув қарорини чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир. Дейлик, прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни атрофлича текшириб, унга руҳсат бериши ёки енгилроқ эҳтиёт чораси қўллаши мумкин. Лозим деб топилган ҳолларда эҳтиёт чорасини рад этиш ва ушлаб турилган шахсни дарҳол озод қилиш ваколатига эгадир. Маълумки, содир этилган жиноятларни аниқлашда суриштирув ва тергов ходимлари ҳам иштирок этади. Прокурор қонун талабларидан келиб чиқиб, уларнинг асоссиз қарорларини бекор қилиш, давлат ва шахс манфаатларига зиён етказмаслик учун зарур ҳуқуқий чораларни кўришга ҳақлидир. Шунинг ўзи қонунчилик амалиётида унинг зиммасига нечоғлик катта масъулият юклатилганидан далолат беради.

Прокурор ёки унинг ўринбосари иш юзасидан тузилган айблов хулосасини тасдиқлаши ёки айблов мазмунидан айрим ҳолатларни чиқариб ташлаб, енгилроқ жазони назарда тутувчи моддани қўллаши мумкин. Шунингдек, улар ишни тугатиш ва баъзи ўзгаришлар билан уни тасдиқлаш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар. Бунда, албатта, қонун талабларига таяниб иш тутилади.

Хўш, фуқаролик ишларини кўриб чиқишда унинг иштироки қандай? Прокурор бунда ҳам иш бўйича қонуний ва асосли қарор чиқарилиши устидан назорат қилади. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоялаш лозим бўлган ҳолларда судга ариза билан мурожаат этиш ёки процесснинг ҳар қандай босқичида ишга аралашиш ҳуқуқига эгадир.

Прокурор фуқаролик ишини кўришда бевосита иштирок этмаса ҳам ғайриқонуний деб ҳисобланган қарорлар устидан кассация ва назорат судларига протест киритишга ҳақли. Агар фуқаролик ишлари бўйича тарафлардан бири суд қарори устидан шикоят аризаси берган бўлса, уни судда кўриш жараёнида прокурор, гарчи ўзи протест киритмаган бўлса-да, бевосита иштирок этиб, норозилик тўғрисидаги шикоятга нисбатан ўз хулосасини оғзаки ёки ёзма тарзда билдира олади.

Юқорида баён қилинган фикрлардан англашиладики, мамлакатимизда давлат ва халқ манфаатлари тўла-тўкис қонун ҳимоясига олинган. Бу эса биз қураётган ҳуқуқий-демократик жамиятнинг асосий шартларидан биридир. Прокурор ўзига берилган ваколат доирасида жиноий-фуқаролик, маъмурий ва бошқа ишларни кўриб чиқишда амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқий меъёрларнинг тўғри тадбиқ этилишини назорат қилиш, айбдорларни жазога тортиш билан бирга айбсиз шахсларга конституцион ҳақ-ҳуқуқларини қайтариш, адолатни тиклаш йўлида хизмат қилади. Унинг фаолиятини белгиловчи асосий мезон ана шундан иборат.



Касби туманидаги Шароф Рашидов номли ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси бу йил 1920 гектар майдонга пахта ва 950 гектарга ғалла ўстиришяпти. Айни пайтда далаларда мўл ҳосил чўғи кўринib қолди. Ўрим мавсумини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун хўжаликнинг марказий таъмирлаш устахонаси ходимлари катта тайёргарлик кўришди.

СУРАТЛАРДА: хўжаликнинг илғор чилангари Бахтиёр Расулов; ўримга шай комбайнлар.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ТАШРИФ

ТАЪЛИМ САРҲАД БИЛМАЙДИ

Тошкентга Сеул шаҳар таълим департаменти бошлиғи Ю-Ин-Ден бошчилигида делегация аъзолари ташриф буюрди. Улар пойтахтимизда маориф соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Ҳозирги кунда Тошкентдаги бир нечта мактабда корейс тили ўқитилмоқда. Шунингдек, корейс таълим маркази фаолият кўрсатаяпти. Бу илм-фан борасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш имконини беради.

Меҳмонлар куннинг иккинчи ярмида шаҳримизнинг гўзал масканлари, музей ва санъат кошоналарини томоша қилишди.

Ўз мухбиримиз.

ПЛЁНКА ОСТИГА... ҚОВУН

Андижонча усул нафақат пахтачиликда, балки деҳқончиликда ҳам кенг қўлланилмоқда. Нукус туманидаги «Нукус» жамоа хўжалиги аъзолари бу йил ўз тажрибаларида биринчи марта плёнка остига ... қовун ва помидор уруғини қадай бошладилар. Жамоа хўжалиги жами уч минг гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Масалан, пахтачиликда чигит ташлаш ва плёнка тортиш ишлари бир вақтда бажарилса, сабзавоткорлар олдин румин сеялкалари воситасида уруғ қадаб чиқадилар ва иккинчи ўтишда қатор устига плёнкалар тортилади.

«Нукус»лик деҳқонлар янги усулда экилган қовун ва помидорлар одатдагидан кам деганда бир ой олдин пишиб етилишига умид боғлашмоқда.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

OGU'97

Сизни Ўзбекистондаги биринчи

"НЕФТЬ ВА ГАЗ-97"

халқаро кўргазмасига таклиф этамиз.

Кўргазма 1997 йил 21-23 май кунлари

республика савдо-кўргазма маркази - "Ўзэкспомарказ"да бўлади.

Манзил: Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107.

Кўргазманинг ишлаш вақти:

21 май,	*чоршанба*	*13.00-18.00*
22 май,	*пайшанба*	*10.00-18.00*
23 май,	*жума*	*10.00-16.00*

Шунингдек, Сизни

"НЕФТЬ ВА ГАЗ-97"

Ўзбекистон халқаро конференциясига таклиф этамиз.

Конференция 1997 йил 22-23 май кунлари

"Интерконтиненталь" меҳмонхонасида бўлиб ўтади.

Манзил:

Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107-А.

«МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА



«Мулоқот» журналининг май-июнь ойларига мўлжалланган янги 3-сони нашрдан чиқди. Унда халқимизнинг дили ва тилидаги долзарб масалалар: мустақил давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, маънавият ва маърифат соҳасида қилинаётган эзгу ишлар хусусида ҳикоя қилувчи ранг-баранг мақолалар ўрин олган.

Таниқли файласуф олим Қўчқор Хоназаров ўзининг «Тарих ғилдираклари қўзғалди» мақоласида поёнига етаётган XX асрнинг халқимиз тарихи ва тақдирида тутган ўрни, мавқеи ва роли ҳақида мушоҳада юритади.

«1997 йил -- Инсон манфаатлари йили» рукнида берилган «Элим деб ёниб яшайман» очеркида эса Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаевнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади.

Ёш тадқиқотчилар Бегмат Очиловнинг «Қишлоқни ривожлантиришнинг Ўзбекистон модели», Олимжон Абдураҳмоновнинг «Солиқлар ўзи нима? Биз уни қандай идрок этишимиз керак?» мақолалари назарий ва амалий характерда бўлиб, муаллифлар муштарийларни кўпдан буён қизиқтириб келаётган қатор масалаларга аниқ-равшан жавоб беришга ҳаракат қилишади.

Файласуф олимлар Абдусалом Абдуқодировнинг «Инсоний етуклик сари», Тўланбой Ортиқовнинг «Иймон фалсафаси» мақолаларида мустақиллик шароитида комил инсонни тарбиялаш, уларнинг қалбига иймон нурини сингдириш масалалари қаламга олинади.

Истеъдод -- инсонга берилган энг олий неъматлардан биридир. Халқимизда «оққан дарё оқмасдан қолмас», деган ҳикматли ибора бор. Ўзбек халқи азалдан ёрқин истеъдодлар макони сифатида маълум ва машҳур бўлган. Турсунбой Султоновнинг «Истеъдод -- жамият бойлиги» мақоласи Беруний, Ибн Сино, Форобий, Улуғбекнинг бугунги ворислари бўлмиш ёрқин истеъдодларга тўғри йўналиш бериш масаласига бағишланган.

Изланувчан муаллифларимиздан Тошпўлат Усмоновнинг «Муқаддас китоблар» мақоласида Аллоҳнинг каломи бўлмиш «Қуръони Карим», «Тавроти Шариф», «Инжил» ва «Забур»нинг асосий мазмуни содда тилда, оммабоп услубда шарҳлаб берилган бўлса, Маҳмуд Абдуллаев ва Орифжон Умаржоновнинг «Бозор маънавияти ва диний қадриятлари» мақоласи Дин билан Давлатнинг янгича муносабати, янги замон кишисини тарбиялашда диний қадриятларнинг ўрни ҳақида ибратли фикрлар олға сурилган.

Муштарийлар томонидан қизиқиш билан ўқилаётган «Чор китоб»нинг давоми ҳам «Маънавият сабоқлари» рукнида берилган.

«Мулоқот» журнали ташкил этилгандан буён Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари ҳақида ўнлаб қизиқарли мақолалар бериб борилмоқда. Журналнинг янги сонидан жой олган академик Ботирхон Валихўжаевнинг «Абу Бакр Қаффоли Шоший» тадқиқоти янги фактларга бойлиги, асл манбаларга суяниб ёзилганлиги билан ажралиб туради.

Муиниддин Натанзийнинг «Султон Ғозий ва Амир Ҳусайн», Бахтиёр Исобекнинг «Яссавия ва нақшбандия», Абдурашид Абдураҳмоновнинг «Қиш ва ёз мунозараси», Маҳкам Маҳмуднинг «Адолат булоғи» мақолалари ҳам мавзуга янгича ёндошуви билан муштарийларда катта қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз.

Шунингдек, журналнинг 3-сонидан ўрин олган адабиётшунослар Ҳамиджон Ҳомидий, Аҳмад Абдуллаев, Юсуф Валиқуловларнинг Хўжанд булбули, шарқ шеъриятининг буюк намояндаларидан бири Камол Хўжандий, санъатшунос Норсаид Ойдиновнинг «Беҳзоднинг нурли мўйқалами» мақолалари, иқтидорли адиб Раҳим Отаулининг янги рўмонидан олинган «Тилсим» ҳикояси ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Одатдагидек муштарийлар севиб ўқийдиган «Мулоқот» дафинаси»да «Мамлакатлар, одамлар, одатлар» рукни остида ранг-баранг ва қизиқарли материаллар ўрин олган.

Ўрол ЎТАЕВ.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

АПЗОН

- ЖКТ катогенларига танлаб таъсир этадиган восита;
- кенг спектр,резистентга ўрин қолмайди;
- ичакларнинг нормал ҳолатини бузмайди;
- ЖКТ бўшлиқларида тўпланади.

5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан

Сурхон вилоятида фарма сифатида

«Ўзбеккино» ДАК жамоаси ва Ўзбекистон кино арбоблари уюшмаси жамоаси А. Навоий номли санъат саройи директори Обид Холиқовга волидаи муҳтарамаси **Ойниса ХОЛИҚОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси бошқарув раҳбарияти ва жамоаси уюшма аъзоси -- Урганч ёғ- мой ҳиссадорлик жамияти раиси Телман Мусаевга умр йўлдоши **Гулором РЎЗМЕТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисоднёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Иқтисодий информатика факультети декани, профессор А. Каримовга укаси **Азимжон КАРИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзгўштсутсаноати» давлат-акционерлик уюшмасининг жамоаси «Хўжайлигўшт» ҳиссадорлик жамияти раиси Малкарим Отабоевга онаси **Онажон ОТАБОЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

XII ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

КИНОФЕСТИВАЛНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Олдинги йилларда-ги каби, бу йил хам XII Тошкент Халқаро кинофестивали кунлари Кино уйида кино бозори фаолият кўрсатади. Унинг вазифалари ва асосий максади хакида кино бозори хизмати рахбари Музаффар АЗИМОВга бир неча савол билан мурожаат килдик.

-- Музаффар ака, бу йилги кино бозори ўтган йиллардагилардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

-- Асосий фарқ -- бу йилги кино бозори мустақил республикамиз томонидан илк бор ўтказилаётганида бўлиб, бизга катта масъулият юклайди. Бозор Киночилар уйининг кўргазмалар залида ташкил этилмоқда. Ҳомийларимиз -- «Coca-Cola» ва «Совпластитал» корхоналари бизга моддий жиҳатдан ёрдам бермоқда.

-- Бозор ишида кимлар қатнашиши мумкин?

-- Киностудиялар, продюсерлар, кино экспорти билан шуғулланувчилар, кинони ижарага берувчилар, кинотеатр соҳиблари ва кинофирмалар.

-- Бозорда нечта давлат вакиллари иштирок этади?

-- Ҳозиргача 7 та мамлакат вакиллари қатнашиш истагини билдиришди. Булар—Япония, Молдова, Афғонистон, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон. Кинофестиваль кунлари бозор иштирокчилари сонининг ортиши кутилмоқда.

-- Иштирокчиларга қандай хизматлар кўрсатилади?

-- Кино бозори иштирокчилари барча харажатларни ўзлари қоплайдилар. Бир иштирокчининг аккредитацияси 300 АҚШ доллари қилиб белгиланган. Улар хоҳлаган миқдорда фильмларни сотиш учун таклиф қилишлари мумкин. Видео жиҳозлар мажмуи, битта кинозал, фильмлар рекламаси учун эълонлар тахтаси улар ихтиёрида бўлади.

-- Маълумки, турли жанрларда суратга олинган фильмлар мавжуд. Бозорда сотиш учун ҳар қандай мазмундаги фильмларни тақдим қилиш мумкинми?

-- Йўқ, миллий қадр-қимматларни пастга урувчи фильмларни сотувга қўйишга рухсат берилмайди.

-- Қайси ўзбек киностудиялари кино бозорида иштирок этади?

-- Ўзкинохроника, «Инсон», «Мерос», «Ирисфильм» киностудиялари, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ўз маҳсулотлари билан қатнашишади.

-- Улар томонидан қандай фильмлар сотувга қўйилади?

-- «Ўзбеккино» режиссёрлар Исамат Эргашев ва Бақо Содиқов суратга олган икки қисмли «Буюк Амир Темур» фильми билан қатнашади. «Мерос» киностудияси «Буюк ипак йўли» фильмини, «Инсон» киностудияси эса бадиий ва мультфильм жанрида суратга олинган 5 та фильмни сотувга чиқаради: «Имом ал-Бухорий», «Камми», «Кулол ва хум», «Маклер», «Синдбод, қароқчи ва тўти». «Ирисфильм» киностудияси «Олов қаъридаги фаришта» ва «Қора мушук ниқоби остида» фильмларини кино бозорига тақдим қилган.

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ суҳбатлашди.

СИРЛИ ЖИЛВАЛАР

Маълумки, XII Тошкент Халқаро кинофестивали пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида тантанали равишда очилади. Байрамона безатилган ушбу мухташам бино ўша куни том маънода дунё халклари дўстлигининг рамзига айланишига шубҳа йўк. Чунки залда ва сахнада анжуманга ташриф буюрган турли миллатга мансуб киноижодкорлар жам бўлишади. Зотан, санъатнинг энг буюк кудрати шундаки, у миллатлар ўртасидаги дўстлик ва бирodарликни мустахкамлашга хизмат килади. Шу маънода, Тошкент кинофестивали ҳам янги-янги дўстона алоқаларнинг юзага келишига туртки бўлиши табиий.

Биз Халқлар дўстлиги саройига кириб борганимизда, бу ерда тайёргарлик ишлари авжида эди. Бир чеккада ижро этилаётган куй-қўшиқлар қулоққа чалиниб турибди. Санъаткорлар фестивалнинг очилиш тантанасида намойиш этиладиган концерт дастурига ҳозирлик кўришаяпти. Саҳнада эса ажиб бир манзарани кўриб, рости, ҳайратимизни яшира олмадик. Негаки, бу ерда тўртта нақшинкор «устунлар» ёрдамида тикланган ҳашаматли Арк қад ростлаб турарди. Бир қарашда бу манзара Самарқанду Бухородаги қадимий обидалар улуғворлигини ёдга солади. Унга кўркам, жозибали миллий нақшлар ишланган. Турфа чироқлар ёрдамида сариқ, қизил, зангори, пушти ва бошқа бир қанча рангларда товланиб, ўзининг жилвалари билан кўзни олади.

-- Нақ мўъжизанинг ўзи-я! -- дедим кинофестиваль бош рассоми Бахтиёр Тўраевга. -- Бу «қаср»ни нимадан тикладингизлар?

-- Оддий сурп матосидан, -- дея жавоб берди мусаввир ва ажабланганимни кўриб, қўшимча қилди: -- Сиз айтган мўъжиза ана шу тариқа мато ва буёқлар ёрдамида яратилган. Устидан тилла ранг зар юритилганлиги туфайли у ялтирайди.

Назаримда, Арк -- халқимизнинг бой миллий маданияти тимсоли бўлса, унга ишланган безакларнинг олтин ранг товланишида эса ана шу улуғ меросниг буюклиги ўз аксини топгандек. Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонларнинг юртимиз бой маънавий мероси хусусидаги илк таассуротлари ҳам айнан мана шу саҳнадан бошланса, ажабмас.

Кинофестиваль ташкилий қўмитаси ушбу анжуманга ҳозирлик кўриш жараёнида унинг очилиш ва ёпилиш тантаналари бўлиб ўтадиган Халқлар дўстлиги саройи саҳнасини безаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган эди. Аввалгиларидан фарқли ўлароқ, бу галги фестиваль тантаналари декорацияси юртимиз миллий маданиятини ўзида акс эттириши лозим эди. Ушбу юмуш Ҳамза театри бош рассоми, бу соҳада анчагина танилиб қолган истеъдодли мусаввир Бахтиёр Тўраев зиммасига юклатилди. Декорация эскизлари тайёр бўлгач, у 7 нафар бажарувчи рассомлар билан биргаликда ишга киришди. Уларга барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Натижада анча қисқа муддат — икки ҳафта ичида эни 22,5, бўйи 12 метрлик мухташам «қаср» қуриб битказилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, саҳна доимий ҳаракатда бўлади. Томошалар давомида юқоридан зар парда туширилади ва таъбир жоиз бўлса, у биллур манзарага айланади. Арк турфа рангларда товланиб, нурли гуллар ва юлдузлар унга янада жило бериб туради. Бу эса маросимнинг ҳақиқий байрамга айланишига ёрдам беради. Тантаналар давомида Арknинг ҳар учала дарвозаси ичидан фестивалга тақдим этилган фильмлардан парчалар намойиш этилиб турилади. Саҳнанинг икки чеккасига эса киноанжуманда иштирок этаётган давлатларнинг байроқлари осилади. Бир чеккадаги чиройли безак берилган ганчкор тумбалар устида фестиваль совринлари териб қўйилади. Албатта, улар ўзларининг сирли жилвалари ила барча киноижодкорларнинг хаёлларини ўғирлаши табиий. Анжуман ниҳоясида эса айнан мана шу залда омадлилар ўзларига аталган совринларни қабул қилиб оладилар.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

Самарқанд шаҳрида тасвирий санъат асарлари галереяси очилди. Бу ерда бир қанча талантли мўйқалам соҳибларининг асарлари намойиш этилмоқда.

СУРАТЛАРДА: галерея залларида.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) тасвирга олган.

ЖАРАНГЛАГАН ОВОЗИ ҚОЛДИ

Машҳур санъаткор Ботир ЗОКИРОВ ҳаёт бўлганида 60 ёшга тўларди

Ўзбек миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъати улкан дарёлар, йирик-йирик ирмоклар мудом оқиб келиб қуйиладиган баҳайбат ва гўзал уммонга ўхшайди. Бу улкан мусиқа уммони сарҳадларига ҳар бир машҳур санъаткор ўзининг бетакрор наволари, ҳеч кимга ўхшамаган сеҳрли овози, теран ва дилбар оҳанглари билан етиб бориши мумкин.

Мусиқа уммонимизнинг янада юксалишига, янада жозибадор ва умрбоқий бўлишига, жаҳон саҳналарида мардонавор янграшида катта ҳисса қўшган улкан ва бебаҳо санъаткор, ўзбек миллий эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров эди. Бу муборак ном миллионлаб мухлислар қалбини забт этиб, аллақачон афсонага айланган.

Ҳамиша биринчиларга қийин бўлган. Ботир Зокиров мусиқа санъатида анча мураккаб, ҳали халқимизга нотаниш бўлган эстрада жанрини танлади. Бу ижод йўли ниҳоятда машаққатли эканини, оғир ва тўсиқлари кўплигини у яхши биларди. Шахс ва хонанда Ботир Зокировнинг ҳаёт ва ижод йўли силлиқ кечмади. У дардли дили, дардли овози билан кўплаб дардли қўшиқлар ижро этди, бетакрор рангларга ошно бўлиб, дардли картиналар чизди, ўзига хос дилбар ҳикоялар ёзди, таржима билан жиддий шуғулланди. Ундан ҳайратланарли улкан маданий мерос қолди.

Таржимаи ҳолидаги рақамлар кўпам катта эмас. Лекин ундан мерос бўлиб қолган улкан санъатнинг баҳоси йўқ. У Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Санъат институтида таълим олган. Ўзбек Давлат эстрада оркестрига бадиий раҳбарлик қилган. Машҳур санъаткор ўзбек тилидаги бетакрор қўшиқлари билан бирга арабча, фарангча, ҳиндча, русча қўшиқларни ҳам ўзига хос жозиба билан ижро этган. Ва айнан ўша халқларнинг ҳам юксак ҳурматига сазовор бўлган.

Машҳур санъаткор ҳаёт бўлганида олтмиш ёшга тўларди. Афсуски, ўлим ҳамиша ҳақ бўлиб чиқади. Гарчи Ботир Зокиров 49 ёшида ҳаётдан кўз юмган бўлса-да, унинг дилбар ва дардли овозини ҳар гал эшитганингизда гўё руҳингизга янги жозиба, янги оҳанг, янги нола ташриф буюради. Ҳали бу барҳаёт қўшиқлар қанча-қанча авлодлар қалбига мусаффо булоқлардай оқиб боради. Уларни ҳам худди ҳозиргидай ҳайрат ва ҳаяжонга солади...

Кечада сўзга чиққан республика маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев Ботир Зокиров ижодини гўзал баҳорга, асло қори эримайдиган баҳайбат чўққига қиёслади.

Тўй оқшомида сўз олган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шундай деди:

-- Улуғ санъаткоримизнинг хотира кечасида гапириш ҳам шарафли, айни пайтда ғуссали. Сафимизни Ботир ака жуда эрта ташлаб кетди. У киши ўзбекнинг эрка, танти фарзанди эди. Одамлар кичик шон-шуҳратни кўтаролмай овора бўлишади. Ботир Зокировни ер шари тинглаб, халқимиз бошига кўтариб турганда ҳам оддий, камтарона яшаб ўтди.

Ботир ака бугунги мустақилликни кўпдан-кўп орзу қиларди, ўз халқини деб жон куйдирарди, уни ҳар жиҳатдан озод кўришни истарди. Афсуслар бўлсинким, бу доруломон кунларга машҳур санъаткоримиз етиб келолмадилар.

У киши Беруний бобомизнинг минг йиллик тўйи арафасида бирга қўшиқ яратайлик, деган эди. Лекин улгурмади. Бундай иродали инсонни жуда кам кўрганман.

Ўзбек миллий қўшиқчилик санъати то абад бор экан, Ботир Зокиров санъати ҳам ёрқин юлдуз бўлиб, халқ билан мангу яшайверади.

Кеча сўнггида саҳнага чиққан ёш хонанда Дилшод Каттабековнинг устоз хотирасига бағишлаб айтган «Жаранглаган овози қолди» номли дилбар қўшиғи юракларни ҳаяжонга солди...

Демак, Ботир Зокиров санъати давом этяпти...

Ашурали ЖЎРАЕВ.

БОҒЛАРИНГДА ГУЛЛАР КЎРСАМ...

Андижон туманидаги Хартум қишлоғига эрксевар адиб Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги ҳамда мустақиллигимизнинг олти йиллигига бағишланиб «Боғларингда гуллар кўрсам...» деб номланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда қишлоқдаги «Терактаги» ва «Гузар» маҳаллалари ёшлари адиб ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўринишлар, Ватан, озодлик, мустақилликни мадҳ этувчи шеър ҳамда қўшиқлар ижро этишди.

Фотима ЖУМАЕВА.

Ўзбекистон ҳудудида минглаб километр узунликда кабель алоқаси линиялари тортилган ва ишлаб турибди. Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ алоқа тизими жадал янгиланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги линиялар ётқизилмоқда.

Транс-Осиё-Европа тола-оптик Шанхай-Франкфурт линияси қурилиши тугалланмоқда. Унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. Бизнинг мамлакатимиз ана шу линия воситасида халқаро ахборот тармоғига қўшилади ва бу иқтисодиётнинг ривожига, аҳоли фаровонлигининг ўсишига янги туртки бўлади.

Алоқа линиясининг шикастланиши давлатни бошқаришнинг издан чиқишига, мамлакат иқтисодиёти, хавфсизлиги ва мудофааси учун ғоят муҳим бўлган ахборот узатишларда узилишлар юз беришига, фуқаролар манфаатларининг бузилишига олиб келади.

Алоқа линиясининг бир дақиқа бузилиши, айниқса халқаро линияда, ўнлаб ва юзлаб минг сўм миқдорида зарар етказади.

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ! АЛОҚА КАБЕЛИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0298, 40.290 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Рустам АЗИМОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев.
Навбатчи — Б. Норбоев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6